

2/2022,  
mart-aprel  
(№ 00058)



## **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ТАЛАБНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Садуллаева Азиза Азимбоевна**

*Ўзбекистон Миллий университети эркин тадқиқотчиси. Тошкент,  
Ўзбекистон. [a.sadullaeva87@mail.ru](mailto:a.sadullaeva87@mail.ru)*

**Article DOI: 10.55439/EIT/vol10\_iss2/a46**

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Хоразм вилояти туризм хизматлари бозорининг талаб томони маҳаллий сайёҳлар билан ўтказилган анкета-сўровномалари асосида таҳлил қилинди. Анкета-сўровномалари 320 нафар маҳаллий сайёҳ орасида ўтказилиб, унда респондентлар Хоразм вилоятига ташриф буюришининг асосий сабаблари, туристик маҳсулотлардан фойдаланиши, вилоятда ўртача яшаш муддатлари, вилоятда сайёҳларнинг бир кунлик харажатлари каби саволларга жавоб беришди. Сўровнома натижаларининг таҳлили асосида, Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** туризм, талаб, туристик маҳсулот, маҳаллий сайёҳ

### **Аннотация**

В данной статье анализируется спросовая сторона рынка туристических услуг Хорезмской области на основе опросов, проведенных среди местных туристов. Были проведены анкетирования среди 320 местных туристов, в которых респонденты ответили на такие вопросы, как основные причины посещения Хорезмской области, использование турпродукта, средняя продолжительность пребывания в регионе, ежедневные расходы туристов в регионе. На основе анализа результатов опроса были разработаны рекомендации по развитию туризма в Хорезмской области.

**Ключевые слова:** туризм, спрос, туристический продукт, местный турист

### **Abstract**

This article analyzes the demand of tourist services in the Khorezm region on the basis of surveys conducted among local tourists. Surveys were conducted among 320 local tourists, in which respondents answered questions such as the main reasons for visiting the Khorezm region, the use of tourist products, the average length of stay in the region, and the daily expenses of tourists in the region. Based on the analysis of the survey results, recommendations were developed for the development of tourism in the Khorezm region.

**Key words:** tourism, demand, tourism product, local tourist

### **Кириш**

Жаҳонда туризм хизматларига бўлган талабни тадқиқ қилиш, сайёҳнинг ҳоҳиш истакларига мувофиқ туристик маҳсулотни шакллантириш шакллантириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Туризм хизматлари бозорини тадқиқ қилиш ҳамда соҳада ривожланиш ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун турмаҳсулотларни ҳозирги замон сайёҳлар эҳтиёжига мослаштириш ҳар бир мамлакат ёки минтақа туризми олдида турган муаммолардан ҳисобланади. Сўнги ўн йилликларда жадал

суръатлар билан ривожланиб бораётган сайёҳлик индустриясида доимо ўзгариб ҳамда ривожланиб бораётган туристлар талаби мувофиқ туристик таклифни шакллантириш муҳим зарурият бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда жаҳон туризм бозорида Ўзбекистоннинг ўзига салмоқли ўрни бор. Масалан, Британиянинг машҳур “The independent” нашриёти, 2022 йилда Ўзбекистонни сайёҳат қилиши мумкин бўлган энг зўр ўнта мамлакат қаторига киритгани бежиз эмас. Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақаси ўзига туристик жозибадор бўлиб, улар орасида Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари каби дестинациялар халқаро ва маҳаллий туристларни ташрифи бўйича етакчи ҳисобланади. Шубҳасиз, юқорида қайд қилинган туристик дестинацияларнинг туризм хизматлари бозорларида халқаро ва ички талабни ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш, минтақа туризм рақобатбардошлигини оширишнинг шартларидан биридир.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг муҳим туризм марказларидан бири бўлиб, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташрифлари бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан кейинги ўринда туради. Ушбу тадқиқот ишида Хоразм вилояти туризм бозорининг ҳолати, маҳаллий ташриф буюрувчиларни асосий қизиқишлари ҳамда уларни қандай қилиб кўпроқ жалб қилиш, қолиш кунларини узайтириш ва тажрибаларни яхшилаш тадқиқ қилинган. Шунингдек, ўтказилган тадқиқот натижалари асосида Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйиса тавсиялар берилган.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ўзбекистон туризм хизматлари бозорининг талаб нуқтаи назаридан таҳлили кўпгина маҳаллий иқтисодчи олимлар томорнидан таҳлил қилинган. Жумладан, иқтисодчи олим А.Мирзаев томонидан мамлакатимиз туристик-реакция хизматларини рақамлаштиришнинг ялпи талаб ўзгаришига таъсир таҳлил қилинган [1].

Шунингдек, соҳа олимларидан А.Эштаев Ўзбекистон Республикасида туризм хизматлари бозорида талаб ва таклифни ўзаро таъсири ҳамда иқтисодий таъсир туризмнинг ўрни ва аҳамиятини очиқ берган [2].

Н.Сафарова томонидан миллий турмаҳсулотга бўлган талабни прогнозлаштириш инструментлари сифатида CI-ECM (коинтеграция) моделидан кенг фойдаланишни тавсия қилган [3].

Хоразм вилоятида туризм хизматлари бозорида талаб потенциал ўрганиш бўйича баъзи тадқиқотчи тадқиқотларни амалга оширилган. Тадқиқотчи Э.Ибодуллаев томонидан вилоятнинг туристик-реакцион хизматларга бўлган потенциал талаб тадқиқ қилинган ва соҳани ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [4].

Шунингдек соҳа олимларидан Д.Бекчанов ишларида туристик дестинацияда туристик талаб ўрганилиб мавсумий ARIMA модели асосида Хоразм вилояти Хива туристик дестинациясига ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар сонинг 2025 йилгача бўлган прогноз қийматлари ҳисоблаб чиқилган [5].

Аммо юқорида қайд қилиб ўтилган тадқиқотчи ва олимлар ишларида Хоразм вилоятига ташриф буюраётган маҳаллий сайёҳларнинг талаб ва истак ҳоқишлари, умуман сайёҳлик профили етарлича чуқур ўрганилмаган ва таҳлил қилинмаган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Хоразм вилоятида сайёҳлар профилини ўрганиш мақсадида сайёҳларнинг қолиш муддатида тажрибалари ва ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ қатор жиҳатларни аниқлаш мақсадида анкета-сўровномаси ишлаб чиқилди. Сўровнома ўз таркибига респондентларнинг демографик маълумотлари, Хоразм вилоятига ташриф буюришининг асосий сабаблари, вилоятга киришда фойдаланиладиган транспорт воситалари, туристик маҳсулотлардан фойдаланиши, вилоятда ўртача яшаш

муддатлари, вилоятда сайёҳларнинг бир кунлик харажатлари ва бошқа шу каби саволларни ўз ичига олди. Пандемия сабабли Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар оқимини кескин камайиб кетганлиги сабаб, анкета сўровномалари маҳаллий сайёҳлар ўртасида ўтказилди. Тадқиқот ишида Хоразм вилоятига 2021 йил март ойида ташриф буюрган 320 нафар маҳаллий сайёҳ орасида ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармонида мувофиқ, соҳада самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, Фарғона-Урганч-Фарғона, Урганч-Самарқанд-Урганч авиарейслари, Андижон-Хива-Андижон, Термиз-Қарши-Хива темир йўл рейсларини йўлга қўйилди, шунингдек, Тошкент шаҳридан Бухоро, Нукус, Термиз ва Урганч шаҳарлари ҳамда Фарғона водийси йўналишлари бўйича авиарейсларни субсидиялаш белгилаб берилди. Шунингдек, янги жорий этилиган авиақатновларга чипталар Ўзбекистон фуқароларига 40 фоизгача арзонлаштирилди (авиакомпаниядан 25%, туроператор орқали 15%), мазкур йўналишлар бўйича туроператорлар орқали ҳарид қилинган саёҳатларга 15 фоизгача темирйўл чипталаридан ҳам чегирма тақдим қилинди ҳамда маҳаллий саёҳлар учун мехмонхоналар хизматларига 10% лик чегирмалар қилинди.

Юқоридаги келтирилган имтиёزلарнинг берилиши найжасида Хоразм вилоятига 2021 йилда 1 294 542 нафар сайёҳлар ташриф буюриб, шундан 39 805 нафар хорижий сайёҳлар ва 1 254 737 нафар маҳаллий сайёҳлар ташкил этган. COVID-19 коровирус пандемияси оқибатида вилоятга келаётган хорижий сайёҳлар сони 10 баробарга қисқарган (2019 йилда 420828 нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрган).

Тадқиқот жараёнида Хоразм вилояти туризм хизматлари бозорини талаб томонини маҳаллий сайёҳлар нуқтаи назаридан таҳлилини амалга оширдик. Вилоятда маҳаллий сайёҳлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижасида олинган маълумотлар таҳлилини кўриб чиқамиз.

1-жадвалда анкета-сўровномада иштирок қилган маҳаллий сайёҳларнинг демографик маълумотлари келтирилган.


### **1-жадвал**

#### **Анкета-сўровномасида иштирок қилган маҳаллий сайёҳлар тўғрисида маълумот**

<b>Респондентларнинг ёш жиҳатдан таснифланиши</b>	<b>Респондентлар сони</b>	<b>Фоизда</b>
18-24 ёш	35	11%
25-34 ёш	77	24%
35-44 ёш	80	25%
45-54 ёш	67	21%
55-64 ёш	45	14%
65 ёш ва ундан катта	16	5%
<b>Маълумоти бўйича таснифланиши</b>	<b>Респондентлар сони</b>	<b>Фоизда</b>
Олий таълим (бакалавр)		44%
Тўлиқ бўлмаган ўрта таълим		23%
Ўрта мактабни тўлиқ битирган		19%
Олий таълим (Магистр, илмий даража ва ундан юқори)		12%
Маълумотсиз		2%


*Манба: Сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.*

Шунингдек 1-расмда респондентларнинг Ўзбекистоннинг қайси ҳудуддан келганлиги кўрсатилган. ТОП-5 таркибига Тошкент 18,7%, Тошкент вилояти 13%, Самарқанд 11,4%, Андижон 7,8% ва Бухоро 7,2% киради. Келиб чиқиши энг кам бўлган вилоятлар Хоразм (2,4%), Сурхондарё (3%) ва Қашқадарё (3,3%) вилоятлари киради.




**1-расм. Респондентларнинг келиб чиқиш вилояти(%да)**

Сўровномада иштирок қилган маҳаллий сайёҳларнинг такрорий ташрифлари кўрсатилган. Хоразм вилоятига респондентларнинг 9% уч марта, 19% уч маратдан кўпроқ, 19,9% икки марта, 24,7% бир марта, шунингдек, 27,4 % илгари Хоразм вилоятига ҳеч қачон ташриф қилмаганликларини қайд қилганлар (2-расм).




**2-расм. Хоразм вилоятига олдинги ташрифлар сони**

3-расмда анкета-сўровномада иштирок қилган маҳаллий сайёҳларнинг Хоразм вилоятига ташриф буюришининг асосий мотивлари келтирилган. Яъни, респондентларнинг 43,2%и таътил ва дам олиш, 19,3%и дўстлар ва қариндошларини кўриш, 19% ишбилармонлик, шунингдек, 13,9%и зиёрат туризм мақсадларида вилоятга ташриф буюришларини билдирганлар.



**3-расм. Маҳаллий сайёҳларни Хоразм вилоятига ташриф буюришининг асосий мотивлари**

Хоразм вилоятида қолишнинг ўртача муддатига келсак, сўровнома натижаларига мувофиқ, маҳаллий сайёҳлар хорижий сайёҳларга нисбатан узоқроқ туришади. Респондентларнинг жавобларига кўра, Хоразм вилоятида ҳар бир маҳаллий сайёҳ деярли 5 кун бўлади, эркак сайёҳлар (5,9 кун) аёл сайёҳларга (3,2 кун) қараганда кўпроқ кеча туришади (4-расм).



**4-расм. Маҳаллий сайёҳларни Хоразм вилоятида ўртача қолиш муддати**


Анкета сўровномлари натижасига мувофиқ, Хоразм вилоятига ташриф буюрган ҳар ўн маҳаллий сайёҳдан учтаси 2-3 юлдуз тоифадаги меҳмонхоналарда туришни афзал кўришларини, 28,3% дўстлари ва оилалари билан ҳақ тўламай қолишини билдирганлар. Шунингдек, респондентларнинг 9,6%и 4-5 юлдузли

меҳмонхоналарда, 8,4%и 1 юлдузли меҳмонхоналарда, 7,8% хона ёки квартирани ижарада ва 7,2%и пуллик асосда ўзбек оиласида қолишини қайд қилганлар (5-расм).



**5-расм. Сайёҳларнинг фойдаланилган жойлаштириш воситалари**

Сўровномада маҳаллий сайёҳлардан Хоразм вилоятида қайси туризм маҳсулотларидан кўпроқ фойдаланасиз каби саволига респондентларнинг 69,9%и музей ва галерияларига ташриф буюришни, 58,7% харидларни амалга оширишни, 41,6%и тарихий жойларни зиёрат қилишни, 38,6% экскурсияларни амалга оширишни, 23,5% ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон объектларини кўришни ҳамда 13,9%и маданий тадбирларда иштирок қилишни афзал кўрганлар (6-расм).




**6-расм. Хоразм вилоятида маҳаллий сайёҳларнинг туризм маҳсулотларидан фойдаланиши**

Тадқиқотлар жараёнида респондентларнинг Хоразм вилоятида бир кунлик ва умумий харажатлари ҳам ўрганилди. Эркак ва аёл ўртасидаги кунлик харажатлар унчалик фарқ қилмаса ҳам эркак респондентлар кўпроқ тунашга мойил бўлиб,

эркаклар ва аёллар учун умумий харажатлар 60 АҚШ долларини ташкил қилган. Маҳаллий сайёҳлар учун ўртача кунлик харажатлар 18,5 АҚШ долларини ташкил қилган.


Шуниндек тадқиқот жараёнида Хоразм вилоятига ташриф буюрган маҳаллий сайёҳларнинг рақамли технологиялар соҳасидаги фаоллиги ҳам таҳлил қилинди. Респондентлар орасидаги ўтказилган сўровномалар натижаларига мувофиқ, Хоразм вилоятида бўлган маҳаллий сайёҳлар фойдаланган ахборот технологияларига ўз уyiдагиларга СМС-хабар юбориш (43,7%), саёҳат фотосуратларини электрон почта орқали юбориш (42,5%), видео қўнғироқлар (42,2%), ижтимоий тармоқ сайтларида саёҳат фотосуратларини янгилаш (41,9%) ва телеграм, WhatsApp, Messenger каби тезкор хабар алмашиш дастурлари орқали алоқа қилиш (38%), мобил ёки смартфондан интернетга уланиш(27,4%) киради.

Анкета-сўровномаларини ўтказиш жараёнида маҳаллий сайёҳлардан Хоразм вилоятига саёҳатлари билан боғлиқ таасуротларни баҳолаш сўралди. Сўров натижаларига мувофиқ, респондентлар вилоят аҳолиси жуда меҳмондўст эканлиги (4,5/5), саёҳат қилишда ўзларини хавфсиз ҳис қилишлари (4,5/5), ижобий саёҳат тажрибасига асосланган ҳолда минтақани дўстларига тавсия қилишлари (4,5/5), вилоятда кўпроқ вақт ўтказишни хоҳлашлари (4,3/5), Интернетда Хоразм вилоятида нима кўриш ва нима қилиш кераклиги ҳақида маълумот топиш осонлиги (4,1/5) қайд қилганлар(7-расм).




**7-расм. Хоразм вилоятига саёҳатлари билан боғлиқ таасуротлар (ўртача қийматлар: 1-умуман рози эмасман, 5- бутунлай розиман)**

Шунингдек, респондентларнинг Хоразм вилоятга таклиф қилинаётган туризм хизматлари сифатидан қониқиш даражаси бўйича ҳам фикрлари ўрганилди. Хоразм вилоятида таклиф қилинаётган туризм хизматларнинг умумий сифати (4,4/5), минтақада жойлаштириш воситалари стандартлари сифати (4,4/5), озиқ-овқат ва ичимликлар стандартлари сифати (4,3/5), транспорт стандартлари сифати (4,3/5) билан респондентлар жуда мамнун бўлишган (8-расм).



**8-расм. Хоразм вилоятида туризм хизматлардан қониқиш даражаси**


Тадқиқот жараёнида сайёҳларни вилоятга янада ташриф буюриш нияти борлигини билиш мақсадида савол билан мурожаат қилинганда, респондентларнинг 31%и 1-3 йил ичида, 30,4%и эса 12 ой ичида, 16%и қайтиб келишларига ишончлари комил эмаслигини, 14,8%и 3-5йил ичида қайтиб келмоқчи эканлигини, 4,8%и 5 йилдан кўпроқ вақт давомида қайтиб келишни ва 3%и эса қайтишни ният қилмаганликларини билдирганлар (9-расм).



**9-расм. Сайёҳларни Хоразм вилоятга янада ташриф буюриш нияти**

Юқорида амалга оширилган таҳлили натижалари асосланиб, Хоразм вилоятида кўп йиллардан буён давом қилиб келаётган тарихий-маданий туризмга ихтисослаш билан билан бирга, айна вақтда янги экологик, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, гастрономик туризм каби маҳсулотлар бозорини ҳам ўзлаштириш лозим (10-расм).





**10-расм. Хоразм вилоятида туризм маҳсулотлар диверсификациялашнинг асосий йўналишлари<sup>1</sup>**

Шунингдек, туризм маҳсулотлари жозибдорлигини ошириш учун бошқа минтақалар, хусусан Қорақалпоғистон Республикасининг сайёҳлик ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органлари ва сайёҳлик ташкилотларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари ҳар икки томоннинг ҳам маданий ва табиий ресурсларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарур.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Хоразм вилояти туризм хизматлари бозорини талаб томонини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар қилинди:

**1. Сайёҳларга таклиф қилинаётган туристик маҳсулотлар ва уларни диверсификациялашувни мунтазам амалга ошириш.** Хоразм вилоятида туризмни ривожлантиришнинг энг асосий вазифалардан бири туристик маҳсулотни такомиллаштириш ҳамда унинг сифатини ошириш орқали туристик мавсумни узайтириш ҳисобланади. Вилоятда туристик хизматлардан тушадиган пул тушумини ошириш учун, туристларнинг якка тартибдаги қулай ва мароқли сайёҳат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

**2. Маданий ҳордиқ чиқариш ва кўнгилочар томошаларни ташкил қилиш.** Вилоятда замонвий истироҳат боғларидан ташқари, қизиқарли тематик паркларни ташкил қилиш зарур. Масалан, кўплаб сайёҳлар Хоразм вилоятини “эртақлар макони” сифатида билишини ҳисобга олиб, Шарқ эртклари мавзуида эксклюзив боғ барпо этиш шулар жумласига киради. Унда “Минг бир кеча”, “Аловиддиннинг сеҳрли чироғи” каби эртақ қаҳрамонларини акс эттириш, турли ўйинлар ва викториналарни уюштириш, сайёҳларга эсдалик совғаларини улашишни йўлга қўйиш, шунингдек,

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Хоразм тарихидаги афсонавий қаҳрамонлар жонланадиган томошаларни намойиш қилиш зарур.

**3. Туризм хизматлари сифатини ошириш.** Хоразм вилоятида туризм хизматларини сифатини юқори стандартлар даражасида амалга ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир сайёҳнинг хоҳиш-истагини ҳисобга олиш, хизматлар сифатини ошириш учун халқаро стандартларни ўрганиш, шунингдек, вилоятда туризм соҳасида кадрлар тайёрлашда инновацион ёндошлардан самарали фойдаланиш зарур. Ундан ташқари, хизматлар сифатини оширишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, туризм, овқатланиш, транспорт, жойлаштириш ва бошқа хизмат соҳаларида “Истеъмолчига йўналтирилган хизмат кўрсатиш концепция”сини кенг тарғиб лозим.

**4. Туризм соҳасида тарғибот ишларини жадаллаштириш.** Хоразм вилояти мавжуд туристик веб портални жаҳон стандартлари даражасида такомиллаштириш. Туристик маҳсулотларни жаҳон бозорларига “силжитиш”ни фаоллаштириш, вилоят туризм ташкилотларини халқаро кўргазмаларда доимий иштирок қилишини таъминлаш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборо воситалари орқали медиа турларни ташкил қилиш лозим. Бундан ташқари, Қадимий Хоразм маданияти, маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари ва воҳанинг тарихий қаҳрамонлари ҳақида хикоя қилувчи юқори сифатли бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш ҳам туризмни ривожлантиришга хизмат қилади.

**5. Қулай инвестиция муҳитини ташкил қилиш.** Туризм жаҳон миқёсида инвестиция киритиш учун энг кўп имтиёзлар ва жозибадор шарт-шароитларни яратиб берадиган соҳалардан бири ҳисобланади. Хоразм вилоятининг оғир экологик вазиятини ҳамда маҳаллий туристик ташкилотларнинг ҳудудий ва миллий иқтисодиётга қўшаётган ҳиссасини ҳисобга олиб, муайян солиқ ва бошқа имтиёзларни жорий этиш лозим. Бундай имтиёзлар меҳмонхоналарда жорий модернизация ишларини олиб бориш ва турагентликлар томонидан тарғиботни кучайтириш мақсадлари учун берилиши лозим. Шунингдек, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, янги турдаги туристик маҳсулотлар (экологик, гастрономик, агро, фаол, сафари туризм турлари)ни ривожлантириш учун молиявий ёрдам кўрситиш механизмларини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзаев А.Т. Туризм-реакрацияси хизматлар бозорида рақамлаштиришнинг ялпи талаб талаб ўзгаришига таъсири // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil.

2. Эштаев А.А. Роль спроса и предложений на рынке туристских услуг в Узбекистане в условиях модернизации экономики // Journal of Economy and Business, vol.3.

3. Сафарова Н.Н. Инструменты прогнозирования спроса на национальный туристический продукт// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил.

4. Э.Ибодуллаев. Хоразм вилоятида туристик-реакрацион хизматларнинг ривожланиш ҳолати ва таҳлили// Иқтисодиёт ва таълим /2021 йил 5-сон. Б. 407-415.

5. Д.Бекчанов. Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш. Иқ. фан (PhD) диссертацияси автореферати. – Урганч., 2021. – 60 б.